

Ғусл қилмагунча одамга қараб бўлмайдими?

15:39 / 24.04.2016 4405

Аёлимнинг янгаси унга: «эр-хотин бирга бўлганингиздан сўнг, агар эринг ё сен ғусл қилган бўлсанг, иккинчингиз ҳам ғусл қилмагунингизга қадар бир-бирингизга қарамаслигингиз, тегинмаслигингиз лозим. Акс ҳолда, иккингиз ҳам қайтадан ғусл қилишингиз керак бўлади», дебди. Шу гап тўғрими?

ЖАВОБ: Бу мутлақо нотўғри гап. Диний билими йўқ одамлар ўзича тўқиб олган гаплардан бири. Жунуб одам оғзи ва бурнини чайиб олгандан кейин, бошқалар билан гаплашса, ҳатто таом еса ҳам бўлади. Бир-бирини кўрса ёки бир-бирига тегинса, қайта ғусл қилади, деган гапга ишонмаслик керак.

Бунга ўхшаган савол ва тушунмовчиликлар китоб ўқимаслик оқибатидан келиб чиқади. Китоб ўқиб, бу каби нарсаларни илмий асосда ўрганиб олиш керак. Бу каби нарсалар фарзи айн, яъни ҳар бир шахснинг билиши фарз (шарт) бўлган ишлардир (Аллоҳ билувчидир).